

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУМИНОВ КАДИР ПУЛАТОВИЧ**

**ЭКСТРАПУЛЬМОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН КЕЧАЁТГАН  
СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ ЎПКА КАСАЛЛИГИ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА БАШОРАТЛАНИШИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Муминов Кадир Пулатович**

Экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган  
сурункали обструктив ўпка касаллигини диагностикаси  
ва башоратланишини оптималлаштириш..... 3

**Муминов Кадир Пулатович**

Оптимизация диагностики и прогнозирования  
хронической обструктивной болезни легких с учетом  
экстрапульмональных нарушений..... 31

**Muminov Kadir Pulatovich**

Optimization of diagnosis and prognosis of the  
course of chronic obstructive pulmonary disease taking  
into account extrapulmonary disorders..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУМИНОВ КАДИР ПУЛАТОВИЧ**

**ЭКСТРАПУЛЬМОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН КЕЧАЁТГАН  
СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ ЎПКА КАСАЛЛИГИ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА БАШОРАТЛАНИШИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib43 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалии тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аляви Анис Лютфуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, ЎЗР ФА академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Хамраев Абдор Асрарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каюмов Улугбек Каримович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Сабиров Максуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган  
фтизиатрия ва пульмонология илмий-  
амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Х.Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ш.Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...2030 йилга келиб ЎСОК ўлим билан тугайдиган касалликлар орасида юқори ўринларга чиқиб олиши башоратланмоқда».<sup>1</sup> «ЎСОК дунёда 45 ёшдан катта ёшлилар гуруҳида ўлим билан тугаши бўйича 4-ўринни эгаллайди ҳамда ўлим кўрсаткичи ошиб бораётган ягона касаллик ҳисобланади».<sup>2</sup> «Ривожланган мамлакатларда ЎСОК ўпка касалликлари таркибида даволаш учун умумий иқтисодий харажатлар бўйича ўпка ракидан кейин 2-ўринни ва бронхиал астмага нисбатан сарфланадиган харажатлари 1,9 марта ортиқ бўлгани учун 1-ўринни эгаллайди».<sup>3</sup>

Жаҳонда экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий нуқтаи назардан ЎСОКка тизимли яллиғланиш билан намоён бўлувчи сурункали касаллик сифатида қаралади. Тизимли яллиғланиш аҳамиятли даражада ЎСОКнинг ўпкадан ташқари ўзгаришларни пайдо бўлишини юзага келтиради. Бу борада аҳоли ўртасида ЎСОК билан касалланиш хавфи омили бўлган шахсларни аниқлаш; ЎСОК зўрайишида экзоген ва эндоген предикторлар ролини аниқлаш; яллиғланиш жараёнининг яллиғланиш медиаторлари миқдорини аниқлаш; касалликнинг эрта босқичларида юрак-томир ва скелет-мушак тизими ўзгаришларини ва метаболик ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришларни аниқлаш; даволаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. ЎСОК зўрайишини тўхтатиш, ўлим хавфи ва юрак-томир ҳолати ўзгаришлари ривожланишини камайтириш ҳамда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолининг касалланиш кўрсаткичини камайтириш ҳамда ҳаёт давомийлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини

<sup>1</sup>World Health Organization website, 2016.

<sup>2</sup>Mathers CD, Loncar D. Projections of global mortality and burden of disease from 2002 to 2030. PLoS Med 2006;3:e442.

<sup>3</sup>GOLD. Global strategy for the diagnosis, management and prevention of chronic obstructive lung disease. 2017. <http://goldcopd.org/gold-2017-global-strategy-diagnosis-management-prevention-copd>

янада ислоҳ қилиш»<sup>4</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада сурункали обструктив ўпка касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва оғир асоратлари ривожланишини олдини олиш принципларини оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2857-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>5</sup> Экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва башоратлашни оптималлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Washington Seattle (АҚШ), National Heart, Lung and Blood Institute (АҚШ), National Heart and Lung Institute (Буюк Британия), Institute of Lung Diseases (Польша), Academic Medical Centre Amsterdam (Нидерландия), Woolcock Institute of Medical Research (Австралия), Asian Pacific Society for Respiratory (Япония), Hospital University Son Dureta (Испания), Oregon Health and Science University (АҚШ), University of Kansas (АҚШ), Н.И.Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети (Россия), И.П.Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия), РФА Пульмонология ИТИ (Россия), Ш.А.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган пульманология ва фтизиатрия маркази (Ўзбекистон), Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ЎСОК турли кўринишларида экстрапульмонал ўзгаришлар механизмларни аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш тадқиқотлари бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>5</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида: <http://www.ege.tdu.tr>, [www.ncst.admissions.cn](http://www.ncst.admissions.cn), [www.goldcopd.org](http://www.goldcopd.org), [www.cchp.ru/poliklinika4651](http://www.cchp.ru/poliklinika4651), [www.geront.kiev.ua](http://www.geront.kiev.ua), [www.med-rf.ru](http://www.med-rf.ru), [www.ean.org](http://www.ean.org), [www.umassmed.edu](http://www.umassmed.edu), [www.int/topics/global\\_burden\\_of\\_disease](http://www.int/topics/global_burden_of_disease) ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

натижалар олинган: *Corpulmonale* холати ривожланиши механизмида ўпка ва юрак фаолияти кўрсаткичларига боғлиқлиги аниқланган (Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease – GOLD); ЎСОК сабабли кузатиладиган ўлимнинг асосий сабаблари нафас етишмовчилиги (25%–5%), юрак-томир касалликлари (12%–0,5%) ҳамда ўпка раки (3%–0,01%) эканлиги асосланган (University of Washington Seattle, АҚШ); ЎСОКда экстрапульмонал ўзгаришлар механизми «тизимли кўп аъзоли яллиғланиш» жараён эканлиги асосланган (National Heart and Lung Institute, Буюк Британия); беморларни ABCD бўйича тоифалаш схемаси ишлаб чиқилган (Asian Pacific Society for Respiratory, Япония); сурункали обструкцияда ФНО- $\alpha$ , лейкотриен В4, хемокинлар ҳамда оксидловчи стресс биомаркерларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган (Academic Medical Centre Amsterdam, Нидерландия); ЎСОКда суякларда минераллар алмашинуви бузилиши аниқланган (Hospital University Son Dureta, Испания).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг янги усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали обструкцияда тўқима протеазлари ва антипротеазлари балансини аниқлаш; обструкция зўрайишига хос бўлган экзоген ва эндоген предикторлар миқдорини аниқлаш; мускул тўқима катаболизмида лизосомал тизим кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш; ўткир яллиғланиш жараёнининг яллиғланиш медиаторлари миқдорини аниқлаш; юрак-томир ва скелет-мушак тизими ўзгаришлари кальцийга боғлиқ протеазлар миқдорига боғлиқлигини аниқлаш; касаллик зўрайиши жараёнида метаболит ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришларни аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг турли мамлакатларида амалга оширилган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан ЎСОКка худди аввалларидек асосида персистирловчи яллиғланишли зўраяётган касаллик сифатида қаралади. Касалликни башоратлаш клиник маркерларини топиш муҳим клиник вазифа бўлиб қолмоқда (GOLD, 2017). Сўнгги йилларда тизимли яллиғланиш фаоллиги ва касалликнинг зўрайиб кетишини акс эттирувчи ЎСОКнинг экстрапульмонал намоён бўлишини аниқлаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, тизимли яллиғланиш ЎСОКдаги юрак-томир касалликларида етакчи механизм бўлиб ҳисобланади ва улар эндотелиал хужайралар дисфункцияси, атеросклеротик тошмалар ва сурункали юрак етишмовчилиги шаклланиши орқали амалга ошади (Caram L.M., 2013, Valvi D., Mannino D.M., 2015). ЎСОКда гипертония, атеросклерознинг хавфи жуда юқори (Lankeit M., 2016), юрак етишмовчилиги (Caram L.M., 2013) ва унинг оқибатида беморларда ўлим хавфининг жуда юқорилиги билан ассоциирланади. Trial тадқиқотида (14 йил давомида 6000 нафар бемор) кўрсатилишича, НЧЖХ1 ЎСОКда миокард инфаркти содир бўладиган ўлимнинг мустақил предиктори ҳисобланди (Avdeev S.N., 2013).

ЎСОКнинг эмфизематоз фенотиби билан бўлган беморларда то кахексияга қадар тана вазни йўқотилиши, цитокинлар концентрациясининг ортиши (TNF-а) ва оксидловчи стресс тизимидаги номуносивлик билан боғлиқ кечади (Лемешевская А., 2013; Footitt J., Mallia P., 2016). Турли тадқиқотлар кўрсатишича, суяк тўқимасида минерал зичлиги камайиши ЎСОК кечишининг оғирлик даражасига боғлиқ эмаслиги асосланди (Graat-Verboom L., Smeenka F.W.J.M., 2014; Rennard S.I., 2015). Бошқа бир тадқиқотда ЎСОКнинг 4-босқичидаги 75% беморда томирлар девори ригидлиги кўпайиши ва II–6 даражасининг ортиши билан асоциирланган остеопороз аниқланган (L.Graat-Verboom, Wouters E.F.). A.Wedzicha, Allister D.A. et al. (2013) келтирган маълумотларга кўра остеопороз, шунингдек, тана вазнининг йўқотилиши ЎСОКнинг эмфизематоз фенотиби билан асоциирланган ва бу уларнинг патогенезидаги умумий механизмлардан далолат беради (Wedzicha J.A., Brill S.E., 2015). Олиб борилган тадқиқотлар ЎСОКда камқонликнинг юқори – 15–30% гача тарқалиши мавжудлигини кўрсатди, бу пайтда ушбу тоифа беморларда эритроцитоз бор-йўғи 6% ҳолатда аниқланди (Agustí A., Faner R., 2015). Бир нечта тадқиқотлар кўрсатишича, камқонлик ЎСОКдаги ўлим ҳолатининг мустақил предиктори ҳисобланади.

Ўзбекистонда СОЎК ривожланиш ва авж олиш хавф омиллари аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган (Убайдуллаев А.М., 2010, Убадуллаева К.М., 2012, Ливерко И.В., 2014, Аралов Р.Н., 2010, Убайдуллаева Н.Н., 2017).

Обструктив касалликнинг тизимли намоён бўлишидаги механизмларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган (Bakakos P., Kostikas K., 2014; Gaur S.N., 2015). Шу муносабат билан экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш, ривожланишига таъсир қилувчи турли омилларни аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ИТСС-15.3 «Инфекцион ва аллергия генезли респиратор касалликларни патогенетик коррекциялаш мақсадида янги технологияларни қўллаш билан комбинацион ёндашувлар ишдаб чиқиш» (2010-2012й) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва башоратлашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ЎСОКни амбулатор шароитида ташхислаш сифатини баҳолаш ҳамда зўрайишининг айрим анъанавий омилларини аниқлаш;



ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг турли оғирлик даражаларида марказий гемодинамика ҳолатини баҳолаш;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғини кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш;

ЎСОКнинг турли оғирлик даражаларида беморлар эритроцитларининг функционал фаоллигини баҳолаш;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда феррокинетиқлар кўрсаткичи ва камқонлик учрашини аниқлаш;

ЎСОКнинг турли оғирлик даражаларида беморлар скелет-мушак тизимидаги ўзгаришлар ва нутритив мақомини баҳолаш;

ЎСОК зўрайиши жараёни хавф омиллари ва уларнинг предикторлик аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1755 нафар нафас аъзолари касаллиқлари бўлган Тошкент шаҳар туманларидаги беморлар амбулатория хариталарининг ретроспектив таҳлили, 150 нафар ЎСОКли беморлар ҳамда 20 нафар соғлом шахслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, спирометрик, электрокардиографик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор нафас аъзолари касаллиқлари бўлган беморлар амбулатория хариталарининг ретроспектив таҳлили асосида ўпканинг сурункали обструктив касаллигида гиподиагностиканинг ўрни аниқланган;

ўпканинг сурункали обструктив касаллигида марказий гемодинамика ҳолатининг ўзгариши унинг зўрайиши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ЎСОКда эритроцитлар мембранасидаги оксидловчи стресс жараёни ҳамда антиоксидант ҳимоя омиллари ингибирланишининг ривожланиши уларнинг барқарорлиги ва фаоллигининг бузилишига олиб келиши исботланган;

илк бор касаллик оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда қоннинг электрон ва кислород ташиш фаолияти бузилиши эритроцитларда HbO<sub>2</sub>, DНb, MtHb миқдорлари номутаносиблиги пайдо бўлиши аниқланган;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда гематологик мақом ҳолати камқонлик тарафга силжиши исботланган;

касалликда суюқнинг минерал зичлиги ҳамда нутритив мақоми кўрсаткичлари (озғин тана вазни, жисмоний юкламага мушак кучи ва толерантлик)нинг камайиши бронхиал обструкция, тизимли яллиғланиш ва гипоксияга тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўпканинг сурункали обструктив касаллиги зўрайишида эндоген омиллар ва экстрапульмонал бузилишларнинг предикторли аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЎСОК пайдо бўлиши бўйича хавф гуруҳида эрта ташхислаш, диспансеризация ва профилактика чора-тадбирлари учун НЧЖХ1ни аниқлаш билан скрининг тадқиқотлари олиб бориш исботланган;

Ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг тизимли яллиғланиш жараёнида иммунитетнинг хужайравий, гуморал бўғини кўрсаткичлари ҳамда яллиғланишга хос цитокинлари миқдорининг ўзгариши башоратловчи омили эканлиги исботланган;

ЭхоКГ, феррокинетиқлар кўрсаткичлари, нутритив мақом, жисмоний юкламага толерантлик ва суякнинг минерал зичлиги кўрсаткичлари ва марказий гемодинамика ҳолатини баҳолаш ушбу касаллик зўрайиши ва асоратларини башоратловчи ва ташхисловчи мезон бўлиб хизмат қилиши исботланган;

СРО, жисмоний юкламага толерантликнинг пасайиши (6MWD бўйича),  $pO_2$  нинг камайиши, ФНО $\alpha$  нинг ортиши, камқонликнинг яққоллиги, ИМТ ва суяк минерал зичлигининг пасайиши, касаллик зўрайганда ЎАЎБ, ЎҚДҚ, ЎҚДД, ЧҚДД ва ЧБХИ ортиши экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган ЎСОКнинг предикторлари эканлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, спирометрик, электрокардиографик ва статистик усулларга асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиясини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва башоратлашни оптималлаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда аниқланган марказий гемодинамика ҳолати ўзгариши, эритроцитлар мембранасидаги оксидловчи стресс жараёни ҳамда антиоксидант ҳимоя омиллари ингибирланиши ривожланиши, эритроцитларда  $HbO_2$ ,  $DHb$ ,  $MtHb$  миқдорлари номутаносиблиги пайдо бўлиши, суякнинг минерал зичлиги ҳамда нутритив мақоми кўрсаткичларининг камайиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг тизимли яллиғланиш жараёнида иммунитетнинг хужайравий, гуморал бўғини кўрсаткичлари ҳамда яллиғланишга хос цитокинлари миқдорининг ўзгариши башоратловчи омили эканлиги, ЭхоКГ, феррокинетиқлар кўрсаткичлари, нутритив мақом, жисмоний юкламага толерантлик ва суякнинг минерал зичлиги кўрсаткичлари ва марказий гемодинамика ҳолатини баҳолаш ушбу касаллик зўрайиши ва асоратларини

башоратловчи ва ташхисловчи мезон бўлиб хизмат қилиши исботланган. Касаллик зўрайишининг предикторлари ўз вақтида аниқлаш касаллик асоратларини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва башоратлашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда марказий гемодинамика ҳолати» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/288-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЎСОК зўрайганда ўпкадан ташқари предикторларни ўз вақтида аниқлаш ва мониторинг қилиш самардорлигини ошириш имконини берган;

«Ўпка сурункали обструктив касаллигида эритроцитларнинг функционал фаоллигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/289-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЎСОК бўлган беморларда эритроцитларнинг функционал фаоллигини баҳолаш имконини берган;

«Ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда феррокинетиқлар параметрларини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/287 -сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда феррокинетиқлар кўрсаткичлари ўзгаришини баҳолаш имконини берган;

экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳар 1- ва 4-клиник шифохоналари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/249-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўпканинг сурункали обструктив касаллигини ташхислаш ва даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлили баён этилган, ЎСОК ривожланиши ва зўрайишининг энг муҳим патогенетик звеноси тасвирланган, асосий даволаш чоралари, ЎСОКнинг ўпкадан ташқари пайдо бўлиши тавсифланган, батафсил ўрганиш талаб этиладиган саволлар жамланмаси аниқланган, тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда танланган мавзунинг зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг усуллари ва материаллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари, шунингдек, қўлланган статистик усуллар тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида касаллик тарқалганлигини ўрганиш, ташхислаш сифатини баҳолаш ҳамда ЎСОКнинг асосий хавф омилларини аниқлаш учун Тошкент шаҳри худудий туманлари иккита поликлиникасидаги беморларнинг 1755 та амбулатория харитаси ретроспектив таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг кейинги проспектив босқичида 150 нафар бемор кузатув остига олинди. Беморларнинг ўртача ёши  $47 \pm 1,5$  ёшни ташкил этди. Касалликнинг кечиш оғирлигига боғлиқ ҳолда беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни ЎСОК оғирлигининг енгил даражаси бўлган 54 нафар бемор, 2-гуруҳни ЎСОКнинг ўртача оғирликдаги кечиши бўлган 59 нафар, 3-гуруҳни ЎСОКнинг оғир кечиши кузатилган 37 нафар бемор ташкил этди. Назорат гуруҳига 40 нафар чекмайдиган, нафас аъзолари шикастланиш белгилари бўлмаган соғлом шахслар киритилди. «Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги» ташхиси, оғирлик даражаси ва касаллик босқичи «ЎСОК профилактикаси, даволаш ва диагностикасининг долзарб стратегияси (GOLD, 2011)» дастурида келтирилган мезонларга асосланиб белгиланди.

Кузатув остида бўлган беморларда умумқабул қилинган ва махсус тадқиқотлар ўтказилди. Ўпкаларнинг вентиляция функциясини ўрганиш «Pneumoscope» (Erich Jaeger, Германия) аппаратида компьютер пневмотахометрия усулида олиб борилди. Кўрсаткичлар таҳлили фактик

катталикини ҳисоблаш ва бўйи, вазни, жинси, ёшига боғлиқ ҳолда беморларнинг ҳисобланган зарурий катталиги билан қиёслаш орқали амалга оширилди. Юракнинг таркибий-функционал ҳолатини баҳолаш учун В ва М тартибда Sonase аппаратида эхокардиографик тадқиқотлар (ЭхоКГ) ўтказилди. Юракнинг чап бўлими параметрлари аниқланди: чап бўлма диаметри (ЧБ), чап қоринчанинг сўнгги диастолик ва сўнгги систолик ўлчамлари (ЧҚСДЎ, ЧҚССЎ), чап қоринчанинг орқа девори ва қоринчалар аро пардадевор қалинлиги (ЧҚОД, ҚАП). Сўнгги диастолик ҳажм (СДХ), сўнгги систолик ҳажм (ССХ) L.E.Teicholz (1976) формуласи бўйича, чап қоринчанинг зарб фракцияси  $ЧҚЗФ = ((СДХ - ССХ) / СДХ) \times 100\%$  формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилди. Чап қоринча миокард массаси граммларда (ЧҚММ) R.Devereux ва N.Reichek (1977) формуласи бўйича ҳамда чап қоринча миокард массаси индекси (ЧҚММИ) D.Dubious (1977) формуласи бўйича ҳисобланди. Чап қоринча деворларининг нисбий қалинлиги  $ЧҚДНҚ = ҚАПд + ЧҚОДд / ЧҚСДЎ$ , % формуласи бўйича ҳисобланди. Допплер-эхокардиографияда юрак бўлмасининг эрта тўлиш авж (пик) тезлиги (PE, м/с), юрак бўлмаси тўлишининг пик тезлиги (РА, м/с), PE/РА муносабати аниқланди. Юрак ўнг бўлмаси параметрлари аниқланди: ўнг қоринча девори қалинлиги (ЎҚДҚ), ЎҚ ва ЎБ чизиқли ўлчами (ЎҚЧЎ ва ЎБЧЎ), ҚАП қалинлиги, ЎҚнинг сўнгги диастолик ва систолик ўлчамлари (ЎҚСДЎ, ЎҚССЎ). Импульсли-тўлқинли доплер (ИТД)дан фойдаланиб трикуспидал клапан Sm фиброз ҳалқа латерал бўлим максимал чизиқли систолик тезлик катталиги бўйича ЎҚ зарб фракцияси аниқланди, шунингдек, уч створли клапан створлари устидан E (см/с) пики ва A (см/с) пики ўлчанганда ЎҚ диастолик функцияси (ЎҚДД), пикнинг секинлашиш вақти (E пикнинг DTси, мс); E/A муносабати ҳисобланди [Paulus W.J., 2007]. Ўпка артериясини ўртача босими (ЎАЎБ) ўпка артериясида систолик оқимнинг интерваллар давомийлиги бўйича Kitabatake (1988) формуласига асосан ҳисобланди.

Беморлар қонидаги лимфоцитлар субпопуляциясининг абсолют ва нисбий миқдори (В-, Т лимфоцитлар ва НК табиий киллерлар) моноклонал антитаналар билан (тўғри бўлмаган иммунофлюорисценция) тестда оқар цитометрия усулида амалга оширилди. Экспрессияланувчи CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD20+, CD15+ CD25+, CD95+ маркерлар, шунингдек, HLA-DR+ лимфоцитлар, хужайраларнинг умумий популяцияси ва хужайраларнинг субпопуляцияси фоизли таркиби ҳисобланди. Бир вақтнинг ўзида хужайраларнинг абсолют миқдорини аниқлаш учун қоннинг клиник таҳлили ўтказилди (Dahl R., 1993).

Зардобдаги А, М, G иммуноглобулинлар таркиби гелда Манчини (1965) бўйича радиал иммунодиффузия усулида аниқланди. ИЛ-1 $\alpha$ , ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-4, ИЛ-8, ФНО $\alpha$ , ИФН $\gamma$  цитокинлари даражаси, умумий IgE ва қон зардобдаги фибронектин қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил ёрдамида аниқланди. СРО даражаси миқдорий иммунофермент усулида аниқланди. Периферик қондаги нейтрофиллар ҳолатини баҳолаш учун Биологик мосламаларни куриш институти (Россия)да ишлаб чиқилган латексдан фойдаланилди, фагоцитловчи бўлақлардаги хужайралар фоизи белгиланди.

Нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (НФФ), фагоцитлар сони (ФС) аниқланди. Қон зардобидаги лейкоцитларнинг миелопероксидазлар фаоллиги иммуноферментогоанализатор учун реагентлар тўплами ёрдамида аниқланди.

Электролитларнинг электрон-транспорт ва кислородтранспорт тизими фаоллигини баҳолаш учун гемолизатда спектрофотометрик усулда эритроцитларнинг Р-450 ва b5 цитохромлари аниқланди (Т.О.Омуга, R.S.Sato, 1964), НАДФН-цитохром редуктазлар фаоллиги С цитохром тикланиш тезлиги бўйича баҳоланди, НАДН-цитохром b5 редуктазлар фаоллиги НАДНнинг оксидланиш тезлиги бўйича баҳоланди (E.G.Hrusau et al. 1975), 2, 3-ДФГ Л.И.Виноградова, Писарук (1972) усули бўйича аниқланди. Асосий ишлаб чиқарилувчи гемоглобинлар таркибини аниқлаш учун қоннинг 1% ли гемолизланган эритмасидан фойдаланилди. 450–650 нм диапазонда спектрофотометрда тўлқинларнинг олти аналитик тўлқинда ютилиш спекторларини ўлчаш амалга оширилди. Оксигемоглобин, дезоксигемоглобин, карбоксигемоглобин ва метгемоглобин концентрациялари ҳисоби дастурий таъминлаш ёрдамида ўтказилди. ЛПО фаоллигини аниқлаш малонли диальдегид (МДА) чиқиши бўйича М.Мihara (1980) усулига асосан олиб борилди.  $H_2O_2$  пайдо бўлиши билан  $O_2$  ни утилизацияловчи супероксиддисмутаза (СОД) фаоллиги Браже ва бошқалар (2011) модификацияси билан Sun and Zigman (1978) усули бўйича аниқланди. Сув ва кислород пайдо бўлиши билан  $H_2O_2$  ни утилизацияловчикаталазалар фаоллиги Aebi (1984) усули бўйича қон гемолизатида аниқланди.

Ферритин ва трансферрин, шунингдек, зардоб темири даражаси Cobas Core (Roche, Франция) аппаратида фермент иммунтаҳлил усулида ишлаб чиқилди. Қондаги кислород ( $pO_2$ ) кучланиши, оксигенация ( $SO_2$ ) даражаси, микрогазанализатор ёрдамида буфер асосларнинг (АВЕ/SBE)  $pCO_2$ , стандарт бикарбонат (SBC), реал/стандарт етишмовчилик (ортиқчалик), гидрокарбонат ( $HCO_3^-$ ), водород ионлари концентрацияси (pH), қон плазмасидаги умумий углекислота ( $TCO_2$ ) каби кислота-асосий ҳолат параметрлари аниқланди.

Беморларнинг нутритив мақоми массо-ростов коэффициенти (Кетле индекси) бўйича, озғин тана вазни (ОТВ) формула бўйича (Gallagher et al., 2000) ҳисобланди. Жисмоний юкламага толерантлик Европа респиратор жамияти ва Америка торакал жамияти (2002) томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган баённомаларга асосан 6 минутлик қадамли тест (6MWD) ёрдамида баҳоланди. ЎСОК билан текширилаётган беморларда суякнинг минерал зичлиги (СМЗ)ни баҳолаш учун умуртқанинг бел қисми ва сон суяги бўйинчасининг иккиланган рентгенли абсорбциометрияси (рентгенологик денситометрия) ўтказилди.

Тадқиқот давомида олинган барча кўрсаткичлар Windows 2007 учун Excel жадвал муҳарририрамланма жадвалларига киритилди, текширилаётган белгилар бўйича гуруҳлаштирилди ҳамда ўртача арифметик катталиклардан фойдаланиб бойитилди. Гуруҳлараро таққослашлар ишончилиги Стьюдентнинг жуфт ва тоқ фарқлар учун

мезонларидан фойдаланиб, кўплаб таққослашлар ҳолатида эса Бонферрони коррекцияланадиган тузатишлар билан олиб борилди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляция коэффициенти ва унинг эркинлик даражаси микдорини ҳисобга олган ҳолда ишончилигини текширишдан фойдаланиб амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Амбулатор шароитда ўпка сурункали обструктив касаллиги диагностикаси сифатини баҳолаш ҳамда ўпка сурункали обструктив касаллиги ривожланшининг айрим хавф омилларини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида амбулатор шароитларда ЎСОК учраши, диагностикаси принциплари ва касаллик ривожланиши ва зўрайишида хавф омиллари аҳамиятини аниқлаш ўрганилди. Ретроспектив таҳлил натижасида ЎСОК ташхиси атиги 8,4% ҳолатда чиқарилиши белгиланди. Бунда 93,1% ҳолатда ЎСОК хавф омиллари тўлиғича кўрсатилмаган, 76,2% ҳолатда эса касаллик зўрайишининг умумий борлиги/йўқлиги ҳақидаги кўрсатмалар бўлмаган, 88,4% ҳолатда функционал етишмовчилик кўрсатилмаган, 69,4% ҳолатда касаллик оғирлик даражаси кўрсатилмаган, 80,27% ҳолатда беморларда спирометрия ўтказилмаган. Пульмонология бўйича маърузалар курсидан кейин респиратор симптомлари бўлган 515 нафар бемор текширувдан ўтказилди, улар орасидан 215 нафари (41,7%)да турли оғирлик даражасидаги ЎСОК ташхисланди, бу ретроспектив таҳлил (8,4%) натижалари бўйича худди шундай кўрсаткичлардан 4,9 марта кўп. Ушбу тадқиқотнинг навбатдаги вазифаси сифатида ЎСОК ривожланишида қуйидаги айрим анъанавий хавф омилларини аниқлаш бўлди: ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ), чекиш, беморларнинг жинси ва ёши. Таҳлил натижаларига кўра ЎСОК пайдо бўлиши бўйича хавф гуруҳига қуйидагилар киради: 40 ёшдан катталар, чекувчи эркак, шунингдек, аёллар, юқори нафас йўллариининг сурункали касаллиги бўлган шахслар.

Диссертациянинг «**Турли оғирлик даражасидаги ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда марказий гемодинамика ҳолатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ЎСОКнинг турли босқичларида юракнинг ўнг ва чап бўлмаларининг эхогеометрик параметрлари ўрганилган. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, юракнинг ўнг бўлмаси таркибий-функционал ҳолатини характерловчи параметрлар 3-гуруҳдаги ЎСОКнинг оғир кечиши бўлган беморларда максимал даражада ўзгарган (1-жадвал). Юракнинг ўнг бўлмачаси ўлчамлари (ЮЎБ) ва ўнг қоринча узун ўқи (ЎБ, LЎК) 1-гуруҳга таққосланганда 3-гуруҳдаги беморларда 14% ва 11% катталашган. Ўнг қоринча эркин девори қалинлиги (ЎҚЭДҚ) ва ҚАП зарурий катталиқка таққосланганда мос ҳолда II гуруҳда 8% ва 18% га ҳамда III гуруҳда 20% ва 29% га катталашган. Ўхшаш бир хил йўналишли ўзгаришлар ўнг қоринча ҳажми кўрсаткичлари нисбатида ҳам кузатилади: СДХ ва ССХ. Бунда ЎҚ зарб фракцияси меъерий чегарада бўлган, диастолик функция бузилиши ЎСОК зўрайиши билан ўсиб борган, бу трикуспидал клапан латерал қисми билан импульс-тўлқинли доплер диастолик пиклари кўрсаткичларидаги фарқларнинг аниқланганлигидан далолат беради. ЎСОКда ўпка артериясидаги ўртача босим (ЎАЎБ)нинг

катталиги гемодинамик бузилишларнинг энг эрта параметри бўлиб чиқди. Бундан ташқари ЎСОКнинг иккинчи босқичидан бошлаб ЎАЎБ касалликнинг биринчи босқичига таққосланганда 34,8% га катталашади. Касалликнинг оғир даражасида биринчи босқичга таққосланганда ЎАЎБ 47% га ҳамда иккинчи босқичга солиштирилганда эса 22,3% га катталашади.

1-жадвал

**ЎСОК бўлган беморларнинг юрак ўнг бўлмаси асосий эхокардиографик параметрлари**

Параметрлар	I босқич ЎСОК (n=54)	I босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)	Назорат (n=37)
ЎАЎБ, мм рт.ст.	16,30±0,87	25,0±1,22*^	32,4±1,31*^	14,4±0,70
ЎБ, мм	34,2±5,0	36,4±3,4	39,7±7,0	32,4±3,5
ЛЎБ, мм	66,0±3,3	69,4±5,2	74,3±6,0*^	65,2±4,2
СЎК, мм	30,1±3,4	30,4±3,8	34,8±3,4	29,9±2,2
ЎҚДҚ, мм	5,0±0,63	5,2±0,71	6,0±0,72	4,8±0,56
ҚАП	0,92±2,0	1,11±2,3	1,28±3,1	0,9±1,7
ЎҚССХ	82,7±3,0	53,1±2,32*^	44,6±2,61*^	84,2±3,9
ЎҚСДХ	119,5±3,56	125,3±3,44	132,4±3,06*^	118,8±3,63
Sm см/сек	15,0±2,2	14,0±2,1	13,8±2,5	15,2±1,1
Еўк, см/с	50,2±3,5	47,5 ± 9,1	55,6 ± 8,8	49,1 ± 4,1
Аўк, см/с	40,7±3,2	42,1 ± 7,4	34,9 ± 5,9^	38,0 ± 4,06
Е/Аед. муносабати	1,23±0,104	1,11 ± 0,160	1,59± 0,173^	1,29 ± 0,075

Изох: назорат билан солиштирилганда \* – p<0,05; \*\* – p<0,01; \*\*\* – p<0,001; ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001 – I босқич ЎСОК гуруҳи билан таққосланганда.

Юракнинг чап бўлмаси ЭхоКГда ўрганилганда чап юрак бўлмаси ҳажми индекси (ЧБҲИ) гуруҳлараро статистик аҳамиятли фарқланиши белгиланди. ЎСОК оғир кечиши бўлган гуруҳдаги беморларда ушбу кўрсаткич I-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 23% га ошган. ЧҚ мирокард массаси индекси (ЧҚММИ) I-гуруҳ беморларидаги ЧҚ гипертрофияси кўрсаткичлари каби назорат аҳамияти билан таққосланди, иккинчи ва учинчи гуруҳ беморларида назорат аҳамияти мос ҳолда 22% ва 31% га ошди. Кўпчилик беморларда миокард гипертрофияси ўртача яққол бўлди. ЧБнинг систолик функцияси барча гуруҳларда меъёрий чегара аҳамиятида қолди. ЧБнинг диастолик дисфункцияси ЎСОК бўлган 91 нафар беморда аниқланди ва бу беморлар умумий миқдорининг 61% ини ташкил этди. Шу билан бирга 28% ҳолатда (42 нафар бемор) релаксация бузилиши (ЧҚДДнинг гипертрофик типи) белгиланди, 32% ҳолат (48 нафар бемор)да – «псевдонормал» тип, 8% ҳолат (12 нафар бемор)да – ЧҚДДнинг рестриктив типи. ЎСОК зўрайиши билан ЎСОКнинг зўрайиши бўлган ЧҚ чуқур диастолик дисфункцияси кузатилади.

2-жадвал

**ЎСОК бўлган беморларнинг юрак чап бўлмаси асосий эхокардиографик параметрлари**



Параметрлар	I босқич ЎСОК (n=54)	II босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)	Назорат (n=37)
ЧҚСДЎ, мм	44,4 ± 4,7	46,4 ± 5,8	49,0±4,2	43,7 ± 3,1
ЧҚССЎ, мм	27,3± 5,1	30,6 ± 4,5	34,9±5,1	27,5 ± 2,9
ЎҚОДҚ, мм	9,1±0,6	10,9±0,7	11,9±0,7*	8,9±0,8
ЧҚ мм	40,1± 2,1	40,8 ± 4,4	42,6± 4,8	39,4 ± 2,0
ЧҚММИ, г/м <sup>2</sup>	94,5±5,7	112,5±6,4*	120,5±8,3*^	92±7,9
ЧҚСДХ ЛЖ, мл	88,9±11,4	114,4±9,4*	127,7±10,2*^	88,2±9,2
ЧҚССХ, мл	49,0±12,5	56,5±11,8	61,0±14,3	45,3±10,6
ЗВ, %	66,4 ± 5,8	65,7 ± 6,2	57,8±4,7*	66,7 ± 4,6
ЧБ1, мм	35,2 ± 5,3	36,3 ± 5,9	39,7 ± 8,8	34,4 ± 4,3
ЧБХИ мл/м <sup>2</sup>	24,7 ± 4,4	26,2 ± 3,5	30,5± 2,6*	24,1 ± 2,3
Е чк, см/сек	62,1 ± 4,8	59,3 ± 0,6	70,5 ± 8,7*^	63,7 ± 6,2
А чк, см/сек	49,3 ± 4,2	57,4 ± 0,4*	63,2 ± 12,4*^	49,9 ± 6,4
Е/А чк	1,26 ± 0,428	0,98 ± 0,666	1,11 ± 0,701*^	1,30 ± 0,500

Изох: назорат билан солиштирилганда \* – p<0,05; \*\* – p<0,01; \*\*\* – p<0,001; I босқич ЎСОК гуруҳи билан таққосланганда ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ ^ – P<0,001.

Корреляцион таҳлилда II ва III гуруҳ беморларида ЎАЎБ ва НЧЖХ1 кўрсаткичлари орасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди (мос холда r=-0,36 ва r=-0,65); ИОЛП ва ЎХХнинг инкор этадиган алоқаси (r=-0,37; p<0,05), ЖЎХХ (r=-0,43; p<0,05), Тиффно индекси билан (r=-0,51; p<0,05), МХТ 25% (r=-0,40; p<0,05); ЧҚММИ ва Тиффно индекси ўртасидаги тескари алоқа (r=-0,45), НЧЖХ1 (r=-0,38) ва МХТ 25% (r=-0,28 ва r=-0,39); ЧҚЗФ ва ЎХХ, НЧЖХ1, МОС 25% ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа (r=0,45, r=0,61 ва r=0,60); Е/А ва ЎХХ, ЎХЖХ, МХТ 25% кўрсаткичлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа (r=0,36, r=0,52, r=0,5).

Шундай қилиб, ЎСОК зўрайишининг прогностик салбий эхопараметрларига ўнг қоринча деворининг ахамиятли қалинлашиши, ЎАЎБ, ўнг қоринча ўлчамининг катталашиси, ЧБ ҳажми индексининг ўқдд катталашиси, ЧҚ гипертрофияси ва унинг диастолик дисфункцияси кабилар киради.

Диссертациянинг «Ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет, цитокин профили ҳолати» деб номланган бешинчи бобида тизимли яллиғланишнинг асосий кўрсаткичлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, ЎСОКнинг оғир кечишида периферик қондаги лейкоцитлар даражаси ЎСОК енгил кечишига таққосланганда 1,58 марта ошиши кузатилди. ЎСОК бўлган барча беморларда лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги пасайди, шу билан бирга ЎСОКнинг оғир кечишида лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги максимал даражада паст бўлди. ЎСОК бўлган беморларда иммун ҳимояси механизмларининг бундай эрта заифлашиши ЎСОК оғир кечишида йирингли яллиғланишнинг эзувчан таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Миелопероксидазлар даражаси оғирликнинг I ва II босқичида юқори ҳамда

ЎСОК оғир кечишида ишончли паст бўлди. ЎСОКнинг оғир шаклида миелопероксидазлар фаоллигининг пасайиши респиратор тракти яллиғланишининг ривожланиши ва зўрайишига таъсир кўрсатиб, организмнинг антибактериал ҳимояси камайганлигидан билвосита далолат бериши мумкин. Барча гуруҳ беморларида фибронектинлар таркиби юқори бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

**ЎСОК бўлган беморларда иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Назорат (n=40)	I босқич ЎСОК (n=54)	II босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)
Лейкоцитлар, абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	5,51±0,13	5,50±0,14***	6,67±0,17***^^	8,73±0,25***^^^
Фагоцитоз, %	60,2±1,5	57,2±1,5	54,1±1,5**	44,3±1,3***^^
Миелопероксидаз, опт.бирлик	47,2±1,6	62,2±1,8***	44,1±1,8***	41,2±1,6***^^
Фибронектин, нг/мл	284,1±7,9	336,1±8,8***	381±11,4***^^	412,4±13,1***^^^

Изоҳ: назоратга нисбатан статистик аҳамият \* – P<0,05, \*\* – P<0,01, \*\*\* – P<0,001; I босқич ЎСОК бўлган гуруҳга нисбатан статистик аҳамият ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001.

ЎСОК енгил кечган беморларда Т лимфоцитлар, экспрессияловчи CD3+ маркерларнинг абсолют даражаси меъерий чегарада туради, касалликнинг оғир кечишида эса унинг аҳамиятли кўтарилиши кузатилади. ЎСОК бўлган беморлар қон оқимида CD3+ лимфоцитларнинг кўпайиши, эҳтимол, нафас йўлларидаги яллиғланиш ўчоқларида уларнинг етарлича бўлмаган миграцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу салбий прогностик белги ҳисобланади. Шу билан бирга ҳар учала гуруҳ беморларида ҳам назорат гуруҳи билан солиштирилганда CD3+ ва CD4+ маркерларни экспрессияловчи ҳужайралар фоизли нисбати ишончли камайганлиги кузатилди, бу ЎСОК бўлган беморларда ҳужайравий иммунитетнинг кучланишидан далолат беради. CD8+ маркерларни экспрессияловчи ҳужайралар ЎСОК бўлган барча беморларда юқори бўлди. Шунингдек, ЎСОК оғирлашиши билан чуқурлашиб борувчи CD4+/CD8+ индексининг номуносивблиги ҳам кузатилди. CD25+ ни экспрессияловчи Т лимфоцитлар субпопуляцияси IL–2 унинг учун лиганд бўлиб хизмат қилувчи кечки фаоллашиш маркери сифатида ЎСОК бўлган барча гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан камайган. HLA-DR+ маркерини экспрессияловчи фаол ҳамда фаоллашишнинг кечки маркерларига кирувчи ҳужайралар даражаси тадқиқот давомида кузатилган беморларда камайган ҳолда бўлди. Табиий киллерлар (NK) маркери сифатида CD16+ лимфоцитлар таркиби ЎСОКнинг ўртача оғир ва оғир кечишида назорат гуруҳига солиштирилганда ишончли юқори бўлди. ЎСОКда NK ҳужайраларнинг ошган таркиби нафас йўллари яллиғланиш реакциясининг индуцирланишида инфекция жараён ролининг билвосита тасдиқланиши бўлиши мумкин. Иммун тизимининг В ҳужайравий звеноси ўрганилганда барча гуруҳлардаги ЎСОК бўлган

беморларда экспрессияловчи CD19+ маркерлари ҳужайралари сонининг абсолют ва нисбий ошиши аниқланди. ЎСОКда CD95+ мембрана молекулаларини ташувчи лимфоцитларнинг нисбий даражаси ҳам касаллик оғирлашиши билан катталашди.

ЎСОК бўлган беморларда гуморал иммунитетни ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари барча гуруҳлардаги ЎСОК бўлган беморлар қонида IgA нинг мос ҳолда 1,9 ва 2 баробар ошишини кўрсатди. ЎСОКнинг энгил кечиши бўлган беморлар гуруҳи қонида IgM таркиби деярли ўзгармаган ҳамда ЎСОКнинг ўртача оғир ва оғир кечиши бўлган беморлар қонида эса бирмунча юқори. Бу ЎСОКда бронхиал дарахтнинг микробли уруғланганлигидан далолат бериши мумкин. Қон зардобидаги IgG даражасиназорат гуруҳи ҳамда ЎСОКнинг энгил кечиши бўлган гуруҳларда таққосланса бўлади, шу билан бирга IgG концентрацияси ЎСОКнинг ўртача оғир кечишида пасайди. ЎСОК бўлган II гуруҳда IgGнинг камайишини организмга турли антигенлар таъсирида ушбу синф антитаналар ҳимоя ролининг заифлашиши сифатида тушунтириш мумкин. Текширувдан ўтказилган ЎСОКли беморларнинг барчаси қон таркибида умумий IgE таркиби юқори бўлди. Бундай кўтарилиш тамаки тутунининг кўзғатувчи таъсири, турли эрополютантлар ва микроб агентларининг сенсабилизацияси ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЎСОК бўлган беморларнинг интерлейкинлари даражаси таҳлил қилинганда аниқландики, ЎСОК энгил кечганда ИЛ–8 даражаси 1,2 марта юқори, 3,4 марта – ЎСОКнинг ўртача оғирликда кечишида ва деярли 5 баробар – ЎСОКнинг оғир кечишида. ЎСОК оғирлашиши билан бир қаторда ИЛ–8 даражасининг прогрессив ошишини яллиғланиш жараёнларининг давомийлиги ва интенсивлиги билан тушунтириш мумкин. ЎСОК бўлган беморларнинг барча гуруҳларида ИФНү концентрацияси юқори бўлди.

#### 4-жадвал

#### ЎСОК бўлган беморларда ҳужайравий иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат (n=40)	I босқич ЎСОК (n=54)	II босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)
Лимфоцитлар, абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	3,55±0,19	2,07±0,06	1,72±0,04***^^^	1,49±0,04***^^^
Лимфоцитлар, %	39,4±1,4	31,5±0,8	26,1±0,6***^^^	24,3±0,7***^^^
CD3+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	1,21±0,07	1,21±0,04	1,53±0,06***^^^	1,83±0,15***^^^
CD3+ %	70,3±2,3	64,6±1,9	60,4±1,8*	56,8±3,1**^
CD4+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,88±0,03	0,54±0,02	0,51±0,03 ***^^^	0,48±0,09***^^^
CD4+ %	46,21±1,5	42,50±1**	37,20±1,2*	32,71±1,2*
CD8+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,39±0,01	0,44±0,02	0,70±0,02***^^^	1,12±0,03***^^^
CD8+ %	27,1±1,1	30,3±1,0***	32,0±0,9***	38,6±1,1***^^^

CD4+/CD8+	1,70±0,1	1,39±0,05***	1,16±0,06	0,89±0,04***^^^
CD25+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,56±0,01	0,43±0,01	0,31±0,04***^^^	0,12±0,02***^^^
CD25+ %	4,67±0,21	3,77±0,11	2,53±0,18	1,77±0,11***^^^
CD16+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,18±0,01	0,24±0,01	0,38±0,02^^^	0,64±0,03***^^^
CD16+ %	13,22±0,43	18,7±0,6*	23,4±0,4*	24,6±0,7
CD19+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,123±0,01	0,186±0,01	0,31±0,013***^^^	0,721±0,05***^^^
CD19+ %	11,2±0,3	13,9±0,4***	15±0,4	20,2±0,8***^^^
CD95+ абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,124±0,006	0,139±0,01	0,246±0,01***^^^	0,394±0,03***^^^
CD95+ %	17,8±0,3	20,5±0,3	26,9±0,3^^	30,3±0,4
HLA-DR+, абс.с., 10 <sup>9</sup> /л	0,127±0,01	0,192±0,01***	0,334±0,01***^^^	0,725±0,05***^^^
HLA-DR+ %	20,5±0,4	15,6±0,4***	12,2±0,4***^^	11,3±0,6***^^^

Изоҳ: назоратга нисбатан статистик аҳамият \* – P<0,05, \*\* – P<0,01, \*\*\* – P<0,001; I босқич ЎСОК бўлган гуруҳга нисбатан статистик аҳамият ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001.

### 5-жадвал

#### Турли босқичдаги ЎСОКда иммуноглобулинлар таркиби

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=40)	I босқич ЎСОК (n=54)	II босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)
IgA, г/л	1,64±0,06	2,74±0,05*	3,17±0,09**^	3,27±0,07 ***
IgM, г/л	1,35±0,03	1,44±0,03	1,67±0,05	1,79±0,06^
IgG, г/л	12,5±0,4	13,3±0,3	10,4±0,4*^	12,2±0,6
IgE, МЕ/мл	242±3,1	265,1±2,3	272,2±2,6*	281,3±2,5*^

Изоҳ: назоратга нисбатан статистик аҳамият \* – P<0,05, \*\* – P<0,01, \*\*\* – P<0,001; I босқич ЎСОК бўлган гуруҳга нисбатан статистик аҳамият ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001.

ЎСОК оғир кечишида ИФНүнинг нисбатан паст таркиби касалликнинг эрта босқичлари билан солиштирилганда оксил-энергетик ресурслар заифлашиши натижасида иммунитетнинг хужайравий омиллари етарлича самарадор эмаслигидан далолат бериши мумкин. ЎСОКнинг энгил кечишида ИЛ–4 даражаси деярли 3 баробар, ўртача оғирликда кечишида – 2 баробар, оғир кечишида эса – 1,5 баробар юқори бўлди. Маълумки, ИЛ–4 В хужайралар полиферацияси ва дифференцировкасини рағбатлантириб,

лимфоцитларнинг Th2 субпопуляцияси билан продуцирланадиган асосий интерлейкин ҳисобланади. ЎСОКнинг барча босқичларида ИЛ-1 $\alpha$  юқорилига қолди. Шу билан бирга ушбу цитокин ошиши билан параллел равишда касалликнинг оғирлик даражаси ҳам ошиб борди. ЎСОКнинг энгил кечишида ИЛ-1 $\beta$  – 5,1 баробар, ўртача оғирликда кечишида – 6,1 баробар, оғир кечишида эса – 3,2 баробар пасайган ҳолатда бўлди. ИЛ-1 $\beta$  фаоллигининг камайиши ўпкалардаги яллиғланиш жараёнининг сурункалилашиш мезони бўлиб ҳисобланади. ЎСОКнинг энгил кечишида ФНО $\alpha$  концентрацияси 1,5 баробар, ўртача оғирликда кечишида – 1,27, баробар пасайган ҳолатда бўлди, бироқ, аксинча, ЎСОКнинг оғир кечишида ушбу кўрсаткич деярли 3 баробар юқори бўлди. Шубҳасиз, ЎСОКнинг оғир кечишида ФНО $\alpha$  нинг ошган таркиби яллиғланишнинг ривожланиши ҳамда тўқималар хужайравий деструкцияси билан боғлиқ, бу ЎСОКнинг оғир кечишига хос. ЎСОК бўлган беморлар қон зардобидида СРБ даражаси касаллик оғирлашиши билан қуйидагича катталашиб борди: биринчи гуруҳ беморларида назорат гуруҳига солиштирилганда 3,2 баробар, иккинчи гуруҳда – 5,6 баробар, учинчи гуруҳда эса – 10 баробар.

Олиб борилган корреляцион таҳлил натижалари яна шуни кўрсатдики, СРБнинг юқори даражаси ОФВ1 нинг янада яққол камайишига олиб келади. Шундай қилиб, тадқиқот давомида олинган натижаларга мувофиқ қуйидагилар респиратор синдром шаклланиши ҳамда ЎСОК ривожланишини потенциалашга қодир хавфнинг эндоген омиллари сифатида ЎСОКда яллиғланиш реакциялари маркерлари бўлиб ҳисобланади: СРБ, IgE фибронектин, ИЛ-8 ва ФНО $\alpha$ , шунингдек, лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги.

6-жадвал

### ЎСОКда қон зардобидидаги интерлейкинлар таркиби

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=40)	I босқич ЎСОК (n=54)	II босқич ЎСОК (n=59)	III босқич ЎСОК (n=37)
ИЛ-8 пг/мл	18,3 $\pm$ 0,06	22,3 $\pm$ 0,6***	61,4 $\pm$ 1,6***^^^	86,4 $\pm$ 2,4***^^^
ИЛ-1 $\alpha$ , пг/мл	0 $\pm$ 0	8,6 $\pm$ 0,2***	7,6 $\pm$ 0,2***^^^	21,1 $\pm$ 0,6***^^^
ИЛ-1 $\beta$ , пг/мл	31,7 $\pm$ 1	6,4 $\pm$ 0,2***	5,3 $\pm$ 0,2***^^^	9,7 $\pm$ 0,3^^^
ИФН $\gamma$ , пг/мл	192,6 $\pm$ 5,9	205,1 $\pm$ 14,3	348,1 $\pm$ 3,4***^^^	272,5 $\pm$ 4,5***^^^
ФНО $\alpha$ , пг/мл	47,1 $\pm$ 1,3	32 $\pm$ 0,7***	40,5 $\pm$ 1,1***^^^	135,4 $\pm$ 4,5***^^^
ИЛ-4, пг/мл	25,5 $\pm$ 0,6	78,6 $\pm$ 2,1***	51,1 $\pm$ 1***^^^	34,7 $\pm$ 1,2***^^^
СРО мг/л	2,8 $\pm$ 0,14	8,9 $\pm$ 3,7	15,6 $\pm$ 2,8	28,6 $\pm$ 3,4

Изоҳ: назоратга нисбатан статистик аҳамият \* – P<0,05, \*\* – P<0,01, \*\*\* – P<0,001; I босқич ЎСОК бўлган гуруҳга нисбатан статистик аҳамият ^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001.

Диссертациянинг «**Ўпка сурункали обструктив касаллигида эритроцитларнинг функционал фаоллигини ва феррокинетика параметрларини баҳолаш**» деб номланган олтинчи бобида эритроцитлар ҳамда липопероксидация жараёнининг электрон-транспорт ва

